

Исломий фикҳ академияси анжумани бошланди



14:28 / 20.04.2024 1711

Бугун, 20 апрель кунин Саудия Арабистонин Подшоҳлигин поймактада энг нуфузли ташкилот – Ислон олами уюшмасин таркибидагин Ислоний фикҳ академиясининг 23-даврани йиғилишин бошланди.

Риёз шаҳрида бўлиб ўтаётган халқаро анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли уламолар, машҳур муфтийлар, профессор-олимлар, етук экспертлар, давлат ва дин арбоблари ҳамда халқаро ислоний ташкилотлар етакчиларин иштирок этмоқда.

Хусусан, Саудия Арабистонин Подшоҳлигин Бош муфтийсин, Йирик уламолар кенгашин раисин, Ислон олами уюшмасин таркибидагин Ислоний фикҳ академиясин президенти Абдулазиз бин Абдуллоҳ Ол Шайх, Ислоний фикҳ

академияси Бош котиби Абдурахмон бин Абдуллоҳ аз-Зайд, Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Ҳусайн Иброҳим Тоҳа, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги халқаро Ислом фиқҳи академияси Бош котиби Қутб Мустафо Сону кабилар иштирок этмоқда.

Ислом олами уюшмаси Бош котиби, Муслмон олимлар ҳайъати раиси, Шайх Доктор Муҳаммад Абдулкарим ал-Исо жанобларининг таклифига биноан Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ушбу анжуманда қатнашмоқда.

Нуфузли тадбирда уммат учун энг муҳим бўлган масалаларни муҳокама қилиш баробарида тинчлик-осойишталикни таъминлаш, халқлар дўстлигига эришиш, электрон воситалар билан савдо қилиш, замонавий телескоп ва рақамли технологиялар орқали ойни кузатиш, вақф мулкий муносабатлари, тана аъзоларини ўзгартириш, закот тўлашга оид ҳукмлар ҳамда намоз ва хутбаларда овозли экранлардан фойдаланиш каби муҳим масалалар кўриб чиқилади.

Анжуман жараёнлари ва натижалари ижтимоий тармоқларимиз орқали ёритиб борилади.

Ўзбекистон муслмонлари идораси Матбуот хизмати